«Кордова» катта масжиди

11:00 / 05.04.2021 2620

Кордова Испаниядаги меъморий ёдгорлик. Жаҳондаги қадимий энг йирик масжидлардан бири. Ушбу масжид асрлар давомида барпо этилган бўлиб, ҳар гал кенгайтириб борилган. Бинонинг асосий ўзаги — масжиднинг ҳозирги шимолий-ғарбий қисми (11 нефли, 12 равокли) 786 йилда қурилган. Аҳоли сони тез ўсиб бораётган пойтахт учун масжид кичиклик қилгани сабабли 961-966-йиллар жанубий томон кенгайтирилган. Мармар устунлар билан безатилган баланд минора қад кўтарган. Икки қўшимча ва 8 нефли ягона бино қурилган. 987-88 йиллар масжид шарқ томон (22 250 м2) қарата кенгайтирилган. Шу тарзда у ўзининг катта умумий тарихига эга. Ҳар бир кенгайтирилиш давомида миноралар кўринишидаги 2 қават равоқлар қурилмаси сақланиб қолган. Тузилишида араб меъморлиги анъаналари мужассам. Катта зали 19 нефли, 600 дан ортиқ устунлар жойлаштирилган. 2 қаватли равоқлар устунлар қаторига таянган (баъзи устунлар Византия ва бошқа жойлардан келтирилган). Равоқларнинг бир қатори тақасимон, иккинчи қатори ёйсимон безакли бўлиб, улар равоқнинг мутаносиблигига бўйсунган. Гумбаз ости бағаллари 3 ва 5 қатламли, доирасимон шаклдаги мураккаб тузилишга эга бўлиб, ўзаро равоқлар билан кесишган. Бағал ва равоқлар гирих ҳандасий нақшлар билан безатилган. Кордова катта масжидининг ён томонида христиан капелласи (13 аср) вужудга келган. Кордова катта масжиди испанмағриб

меъморий йўналишидаги ўзига хос услубга эгадир.

Энди испаниядаги Кордова шаҳарчаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Кордова – Андалусиядаги ниҳоятда қизиқарли, катта бўлмаган, бироқ гавжум ва шинам шаҳарча. У турли маданият ва урф-одатларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда унга ташриф буюрувчиларнинг кўнглидан жой олишга улгурган. Қачонлардир Кордова Ислом цивилизациясининг маркази ҳисобланган!

Кордова – катталиги ва аҳолиси бўйича Андалусиянинг учинчи шаҳри.

Кордовага эрамиздан аввалги 8 асрда асос солинган. Ушбу давр мобайнида у турли цивилизация ва қиролликлар таркибига кирган, жумладан мавр, рим, насроний ва ҳоказо. Бугунги кунда бу ерга турли миллат ва дин вакиллари ташриф буюришади.

Ўзининг юксак чўққисига Кордова 10 асрда, Кордова халифалиги даврида эришган.

10 асрда Кордовада 1 миллионга яқин киши истиқомат қилган ва у ерда университет фаолият юритган бўлиб, у ўша вақтда Европадаги ягона университет бўлган.

Испанларнинг ўзи Кордовани КордоБа деб аташади.

Кордова масжидини дунёнинг 8 мўъжизаси ва Испаниянинг 12 мўъжизаси дейишади.

Ўрта асрларда «Кордова» масжиди дунёда катталиги бўйича иккинчи ўринда турган.

1236 йилда маврлар Кордовадан қувғин қилинганларида, Мескита насронийлар ибодатхонасига айлантирилган. Кейинроқ, император Карл V бундан афсусланиб: «Сиз бошқа ерда ҳам қурса бўладиган бинони қурдингиз ва дунёдаги ягона бўлган бинони вайрон қилдингиз», деган.

Мескита бутун Андалусиянинг тимсоли ҳисобланади.

Кордованинг яҳудийлар истиқомат қиладиган кварталида Испаниянинг энг қадимий синагогаларидан бири жойлашган.

Кордовадан 8 километр узоқликда Мадина ас-Сахара сарой комплекси (10 аср) жойлашган бўлиб, у ерда ҳали ҳам қазилма ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда Кордова халифалигига оид қимматбаҳо бойликлар қидирилмоқда!

Кордовада Халифа ҳаммомлари ҳам сақланиб қолган.

Алькасар саройида қиролича Изабелла Кастильская Христофор Колумбни қабул қилган ва айнан шу ерда улар Ҳиндистонга қилинажак сафар режаларини муҳокама қилишган!

Кордовада файласуф Сенека туғилган.

Кордовадаги энг яхши сувенир – араб ёзуви туширилган кулолчилик буюмлари.

Фойдаланилган манбалар:

qomus.info

tatil.uz